



2016 йил «5» октябрь

№ 682-ч

**Ер участкаси танлаш ва қурилишга
руҳсат бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 20-моддаси, Ер кодекси»нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, «Қишлоққурилишлойиха» МЧЖ 2016 йил 09 сентябрдаги №1191/07 сонли келишув хатини, Самарқанд вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 26 сентябрдаги №1417-сонли экологик экспертиза хулосасини, Нурабад тумани Қоракулча ширкат хўжалиги раиси А.Тилавовнинг «Маъмурий бино ва бурдоқичлик комплекси биноларини қуриш учун ер участкаси тўғрисида»ги 2016 йил 29 сентябрдаги №21-сонли хати ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф-сонли фармойишига асосан тузилган ер участкасини танлаш буйича ишчи комиссиянинг 2016 йил 30 сентябрдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Нурабад тумани Қоракулча массивида «Маъмурий бино ва бурдоқичлик комплекси биноларини қуриш учун туман ҳокимлиги захира ер хисобидаги №199-контурдан 3,0 гектар лалмикор ер танлаш тўғрисидаги ишчи комиссиянинг 2016 йил 30 сентябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Қоракулча ширкат хўжалиги раиси А.Тилавовга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарорида кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиха ҳужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини бир йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш;
-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш
учун туман ҳокимлигига муружаат қилиш:

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га Қоракулча ширкат хўжалиги раиси А.Тилолов томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натўрага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Қоракулча ширкат хўжалиги раиси А.Тилолов томонидан бир йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотди деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов